«ҚУЛОҚ»ҚА ТОРТИШ ВА ҚАТАҒОН ҚИЛИШ ФОЖИАЛАРИГА ДОИР
(Наманган вилояти мисолида)

Р.Шамсутдинов, Э.Холмирзаев

Мақолада архив ҳужжатларига таянган ҳолда қулоққа тортиш кампаниясида Наманган вилояти бўйича қатағон қилинганлар ҳақидаги янги маълумотлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *коллективлаштириш, колхоз, қулоқ, сургун, депортация, ОГПУ, ГПУ, «Учлик», ГУЛАГ, Ўрта Осиё бюроси.*

В статье на основе архивных документов анализируются новые сведения о жертвах кампании раскулачивания и репрессии в Наманганской области.

Ключевые слова: *коллективизация, колхоз, кулак, ссылка, депортация, ОГПУ, ГПУ, «Тройка», ГУЛАГ, Среднеазиатское бюро*

On the bases of archive documents the article describes and analyses the process of exiling and repressing the local rich people of Namangan region

Key words: *collectivization, kolkhoz, qulack, deportation, OGPU, GPU, «group of three», GULAG, Central Asia bureau*

Мустақиллик йилларида советларнинг Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш сиёсати тарихининг айрим масалалари янгича методология, концепция, истиқлол мафкураси руҳида талқин этилган асарлар [6,9,10,11,12], архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламлари [7,13] юзага келди, диссертациялар [1,2,4,5] ҳимоя қилинди, кўплаб илмий мақолалар эълон қилинди. Бироқ бу илмий йўналишнинг қатор масалалари халигача ўзининг тўлақонли ечимини топган эмас. Масалани кенг ва батафсил очиб бериш учун ҳозиргача эълон этилмай, «махфий» тамғаси остида сақлаб келинган архив ҳужжатларини илмий истеъмолга киритиш муҳим аҳамиятга эгадир. Совет режимининг Ўзбекистонда деҳқонларга қарши олиб борган қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатларини тўлароқ очиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архиви, Президент Девони архиви, Республика Ички ишлар вазирлиги архивларида сақланаётган ҳужжат ва материалларни ўрганиш зарур. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивида 180 жилддан иборат СССР ОГПУ (Давлат сиёсий бошқарма ташкилоти)нинг Ўрта Осиёдаги ваколатли вакиллиги ҳузурида ташкил этилган «Учлик» материаллари сақланмоқда [8]. Айни шу материаллар асосида Ўзбекистон вилоятларида деҳқон хўжаликларини қулоққа тортиш жараёнини ёритишга қаратилган туркум мақолалар режалаштирилган. Биринчи мақоламизда мазкур жараённинг Наманган округида кечиши ва оқибатлари ёритилади.

ВКП(б) МКнинг 1930 йил 30 январдаги **«Ёппасига коллективлаштирилаётган районларда қулоқ хўжаликларини тугатиш бўйича тадбирлар тўғрисида»**ги қарорида мамлакатдаги деҳқон хўжаликларининг 3-5 фоизи, яъни 800-1200 минг кишини қулоқ қилиш белгиланган. Ваҳоланки, 1929 йил кузидаёқ 2,3 фоиз (600 мингга яқин)

Р.Т.Шамсутдинов *- АДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари номзоди;*
Э.Холмирзаев *- АДУ катта илмий ходим изланувчиси.*

деҳқон хўжалиги қулоқлаштирилганди. Қулоққа тортилганлардан 60 минг кишининг концентрацион лагерларга юбориш, уларнинг бир қисмига «қатағоннинг олий жазоси – отувни қўллаш» мумкинлиги кўрсатилган. 150 минг оилани Сибирь, Урал ва Қозоғистоннинг аҳоли сийрак районларига сургун қилиш, қолган қисмини ўзлари яшаб турган округларнинг колхозлардан ташқаридаги деҳқончилик учун ноқулай ерларда ташкил этилган махсус посёлкаларга кўчириш кўзланган.

Ўзига тўқ деҳқонларни қулоққа тортиш билан совет ҳокимияти бир неча вазифаларни ҳал этмоқчи бўлган:

Биринчиси - ёппасига коллективлаштиришга қулай шарт-шароит яратиш учун мавжуд колхозларга қараганда анча мустаҳкам, меҳнат унумдорилиги юқори, иқтисодий кўрсаткичлари яхши бўлган обрўли қулоқ хўжаликларини тугатиш.

Иккинчиси - қулоқ қилинганларни сургун қилиш орқали қишлоқдаги ўзига тўқ деҳқонларнинг коллективлаштиришга қарши ҳар қандай (тўғридан тўғри, пинҳона) ҳаракатларини бостириш.

Учинчиси - мамлакатнинг узоқ, ўзлаштирилмаган жойларида махсус колониялар тузиб, қулоқ қилинганлардан ишчи кучи сифатида ўрмончилик, кончилик, кўмир ва балиқчилик саноатларида, қишлоқ хўжалиги учун ерларни ўзлаштиришда фойдаланиш.

Қулоқлаштириш бутун собиқ иттифоқ, унинг барча ҳудудлари, миллий районларида, жумладан, Ўрта Осиёда ҳам амалга оширилган [3]. Уларнинг ҳаммасидаги каби, Ўзбекистонда ҳам бу жараёнда кўпдан кўп ноқонуний тадбирлар қўлланилди, хатолар, нуқсонлар куч ишлатиш органларининг мислсиз шавқатсизликлари юз берди. Юқори партия органлари қарор ва директив кўрсатмалари сохталаштирилган ҳолда ноўрин татбиқ этилди. Бунда коммунистларнинг иккиюзламачи, мунофиқона сиёсати ҳам, сиёсий билим ва ҳаётий тажриба жиҳатидан ғўр партия ходимларининг иш услублари ҳам салбий роль ўйнаган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, партия сафида, куч ишлатиш органлари таркибида мухолифат кучлар ҳам бор эди. Раҳбарлик органларидаги мухолифатчилар марказ қарорларини бемаъни, тутуруқсиз билиб, большевикларни бадном қилиш тактикасини қўлладилар. Аҳолининг партияга, советларга, уларнинг сиёсатига қарши нафрат ғазабини уйғотиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар. Партиядаги мухолифатчи ўнглар оммавий қўзғолонлар ташкил этиш билан бир қаторда, кенг аҳоли қатлами орасида норозилик қўзғатиш учун яширин ва ошкора кураш олиб бордилар. Троцкийчилар, бухаринчилар ва сионистлар халқнинг большевикларга, Сталинга қарши нафратини қўзғаш мақсадида ўртаҳол ва камбағалларни, деҳқончиликка алоқаси бўлмаган ҳунарманд, зиёлиларни ҳам қулоқ сифатида қатағон қилишга уринганлар. Ўзбекистонда Республика партия ташкилотининг раҳбари А.Икромов, давлат бошлиғи Й.Охунбобоев, ҳукумат раиси Ф.Хўжаев бўлгани ҳолда, қулоққа тортиш ва сургун қилиш билан бевосита ОГПУ органлари шуғулланганлар.

Шу ўринда Марказдан Ўзбекистонга юборилган куч ишлатиш органлари, айниқса, ОГПУ ходимлари номларини келтириш жоиздир.

1929-1934 йилларда Л.Н.Бельский, Е.Г.Евдокимов, В.А.Каруцкий, Л.Г.Миронов, Г.П.Матсон, В.М.Круковский, Н.М.Райский (Лехдман), Р.А.Пиляр (фон-Пильхау), Л.Б.Залин (Левин Соломон Маркович)лар ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси мансабида бўлганлар. М.Д.Берман ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги махфий-оператив бошқармаси бошлиғи, вакиллик раис ўринбосари, кейин эса СССР ГУЛАГ бошлиғи вазифасида ишлаган. А.А.Слуцкий 1929-1930 йилларда ОГПУнинг иқтисодиёт Бошқармаси бошлиғи ёрдамчиси, 1937 йилда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари бўлган. П.Ю.Перкон, Г.П.Матсонлар ЎзССР ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси) раиси лавозимида фаолият кўрсатганлар. Н.А.Загвоздин 1933 йилда Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими бошлиғи ва ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси, 1934 йилдан ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари бўлиб хизмат қилган. Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда 1929-1934 йилларда қулоққа тортиш, қулоқларни отувга, концлагерларга ҳукм этиш жараёни шуларнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида амалга оширилган.

ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси раиси бўлиб ишлаган И.А.Зеленский (1924-1931), К.Я.Бауманлар (1931-1934) ОГПУ раҳбарларини партиявий йўл билан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар. Улар бу борада Республика, вилоят, шаҳар ва районлардаги маҳаллий миллий раҳбар ходимлар билан келишмай, уларнинг фикри билан ҳисоблашмай иш тутганлар. Аксинча, уларга нисбатан босим, тазйиқ ўтказилган, қўрқитиш усуллари қўлланилган. Деҳқонларни қулоқ тамғаси билан қатағон қилиш механизми тўлалигича марказдан юборилган куч ишлатар органлари раҳбарлари қўлида бўлган. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузурида тузилган «Учлик», Ўзбекистон Республикаси ГПУси ва НКВДнинг вилоят, шаҳар, район бўлимларида тузилган «Учлик»лар ҳам аксарият европаликлардан иборат бўлган. Масалан, ОГПУ Ўрта Осиё доимий вакиллиги хузуридаги «Учлик»нинг 1930 йил 29 октябрдаги йиғилиши таркиби Миронов, Берман, Бабкеевич, Саричевлардан; 1932 йил 10 апрелдаги йиғилиши Залин, Амелин, Загвоздин,

Вальтер, Арандт; 1933 йил 21 февралдаги йиғилиши Райский, Деноткин, Амелин, Вальтер; 9 мартдаги йиғилиши Райский, Амелин, Деноткин, Вальтер, Арандт; 16 мартдаги йиғилиши Райский Амелин, Загвоздин, Вальтер, Арандт; 4 апрел йиғилиши Залин, Амелин, Вальтер, Арандт; 25 майдаги йиғилиши Гильман, Вишневский, Иваницкий, Пантелеев; 27 майдаги йиғилиши Гильман, Брониславский, Иваницкий; 1934 йил 14 мартдаги йиғилиш Залин, Бердичевский, Райский, Врачов, Острогорский, Иваницкий, Копаев; 29 мартдаги йиғилиш Райский, Жуков, Вальтер, Иваницкий, Копаев; 21 апрелдаги йиғилиш Райский, Науиокайтис, Киселев, Иваницкий, Барановлардан иборат такибда ўтказилган. Шундай ҳолат ЎзССР ГПУси ҳузуридаги «Учлик» таркибида ҳам бўлган. Масалан, 1933 йил 27-28 майда Андижонда «Учлик» йиғилиши ЎзССР ГПУси раиси ўринбосари Гильман, ОГПУнинг Андижон сектори бошлиғи ўринбосари Брониславский, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги прокурор ёрдамчиси Ивницкийлар таркибида ўтказилиб, андижонликлардан 181 киши устидан ҳукм чиқарилган.

Архив материалларида қулоқ қилинганларни хибсга олиш анкетаси, маҳбусни тергов қилиш баённомалари, айблов хулосалари, маҳбус ва гувоҳлар кўрсатмалари, «Учлик»лар ҳукмлари, маҳбусларнинг шахсий ишлари сақланиб қолган. Масалан, қатағон қурбони Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг уч жилддан иборат қарийб 800 варақлик шахсий иши (суратлари билан бирга) сақланмоқда. Бу материалларни чуқур ўрганиш қулоқлаштиришнинг фожиали манзарасини тўла ва кенг ёритиш имконини беради. Биз «Учлик»ларнинг ҳукмлари асосида қатағон қилинган «қулоқ»лар ҳақидаги маълумотларни ҳозирги вилоятлар кесимида келтиришни лозим деб билдик.

ВКП(б) МК Сиёсий Бюросининг 1930 йил 20 февралдаги **«Коллективлаштириш ва иқтисодий қолоқ миллий районларда қулоқларга қарши кураш тўғрисида»** қарорида белгиланган 15 мартгача концлагерларга юбориладиган 1-тоифага мансуб фаол қулоқларнинг тахминий миқдорини аниқлаш вазифасидан келиб чиқиб, Ўрта Осиёдан 1300, шундан Ўзбекистон бўйича 1000 киши концлагер қамоғига олинадиган бўлди. Тошкентдан Москвага 1930 йил 19 мартда тезкор юборилган маълумотда Республика бўйича жами 1195 киши бой қулоқ сифатида қамоққа олингани хабар қилинган. Равшанки, Марказдан берилган директива Ўзбекистонда ортиғи билан бажарилган.

Қаршимизда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий ваколатхонаси ҳузуридаги учликнинг 1930 йил 27 октябрдаги 103-сонли Кенгаш баённомаси. Кенгаш учлик раиси Миронов, аъзолари Берман, Бабкеевич, ЎзССР давлат прокурори, ОГПУ органлари устидан назорат олиб борувчи Саричев ва котиб Ковачлар иштирокида ўтган. Кун тартибида 5054-сонли айблов хулосасини муҳокама қилиш масаласи қўйилган. Айблов хулосасига асосан, учлик қарори билан 92 нафар маҳбуснинг бир қисми отувга, бир қисми қамоқ жазосига ҳукм этилган, айримларигина қамоқдан озод қилинган. Мана улар:

1. Носирхонтўра Саид Камолхонтўраев - 56 ёшда, миллати тожик, бой, хўжалиги ер-сув ислоҳоти даврида тугатилган, таниқли мударрис, февраль инқилобидан октябрь инқилобигача Наманган шаҳар Думаси раиси, аксилинқилобий Қўқон мухториятида вазир, Наманган диний бошқармасининг собиқ раиси, 1925 йилдан 1928 йилгача советларга қарши фаолияти учун сургунда бўлган; 2. **Отантой Сотилганов -** 56 ёшда, қирғиз, бой-чорвадор, хўжалиги ер-сув ислоҳоти даврида тугатилган; 3. **Мулла Самиулла Сафиуллаев -** 54 ёшда, татар, собиқ ер эгаси ва савдогар, ер-сув ислоҳоти даврида хўжалиги тугатилган; 4. **Гумбин Игнатий Матвеевич -** 38 ёшда, татар, собиқ офицер, оқларда буфет ижарачиси бўлган; 5. **Эшон Дадахон Носирхонов -** 24 ёшда, тожик, Носирхонтўранинг ўғли; 6. **Мансурбой Шерғозиев,** 63 ёшда, ўзбек, масжид оқсоқоли, аниқ машғулоти йўқ; 7. **Қурбонбой Юсуфбоев -** 60 ёшда, ўзбек, деҳқон ва даллол; 8. **Хўжахон Қаноатов -** 37 ёшда, ўзбек, эшон ўғли, ўзи имом; 9. **Абдужадид Маматшоев,** 32 ёшда, ўзбек, ўрта ҳол; 10. **Мулла Фозил Бобомуҳаммедов -** 28 ёшда, ўзбек, ўртаҳол, Носирхонтўранинг шогирди, «Калта кўйлак» аъзоси; 11. **Хўжамберди Мадаминов -** 56 ёшда, ўзбек, боғбон; 12. **Мадиброхим Ўринбоев -** 70 ёшда, қипчоқ, бой, ер-сув ислоҳотида мулки қирқилган; 13. **Каримбой Саидбоев -** 41 ёшда, ўзбек, деҳқон, камбағал; 14. **Мулла Нўмон Каримов -** 33 ёшда, ўзбек, косиб тўқувчи, Носирхонтўранинг шогирди; 15. **Мулла Исроил Содиқбоев -** 20 ёшда, ўзбек, руҳоний оиладан, ўртаҳол; 16. **Мулласобид Тошматов -** 36 ёшда, ўзбек, ўзига тўқ, «Калта кўйлак» диний мактабида ўқиган; 17. **Муҳаммад Зокир Шукурбоев -** 35 ёшда, ўзбек, ўртаҳол деҳқон, собиқ босмачи; 18. **Ҳасанхон Носирхонтўраев -** 18 ёшда, тожик, Носирхонтўранинг ўғли, машғулоти аниқ эмас, мадрасада ўқиган; 19. **Хўжахон Мулла Каримбоев -** 44 ёшда, ўзбек, «Калта кўйлак» диний ходимининг ўғли; 20. **Раҳматулла Абдуваҳобов -** 45 ёшда, ўзбек, косиб; 21. **Асқарали Абдуваҳобов -** 38 ёшда, ўзбек, машғулоти аниқ эмас; 22. **Абдураҳмон Топилдибоев -** 21 ёшда, ўзбек, деҳқончилик ва ипак тўқиш билан шуғулланади, камбағал, «Калта кўйлак» диний мактабида ўқиган; 23. **Муҳаммаджон Қаноатшоев -** 39 ёшда, ўзбек, косиб; 24. **Муллатурди Ашурматов -** 40

ёшда, ўзбек, руҳоний ва деҳқон; 25. **Тўрабой Қодирқулов -** 38 ёшда, ўзбек, камбағал; 26. **Тошимбой Ҳакимбоев -** 35 ёшда, ўзбек, ўртаҳол, «Калта кўйлак»да ўқиган; 27. **Мамарасул Тўрабоев -** 27 ёшда, ўзбек, ўртаҳол; 28. **Жўрабой Қори Мирисҳоқов -** 39 ёшда, ўзбек, савдогар; 29. **Тўхтасин Болтабоев -** 27 ёшда, ўзбек, бой, ер-сув ислоҳотида мулки қирқилган; 30. **Абдухалил Абдуразоқов -** 42 ёшда, ўзбек, собиқ босмачи, ўртаҳол; 31. **Муҳаммадсодиқ Маҳмудбоев -** 30 ёшда, ўзбек, савдогар; 32. **Мулажўрабой Боччабоев -** 32 ёшда, ўзбек, машғулоти аниқ эмас, «Калта кўйлак»да ўқиган; 33. **Отамирза Абдураҳимов -** 26 ёшда, ўзбек, камбағал; 34. **Ҳасанбой Рустамов -** 42 ёшда, қипчоқ, бойнинг ўғли; 35. **Мадад Бобоқулов -** 48 ёшда, қипчоқ, ўзига тўқ деҳқон; 36. **Имомали Қосимбоев -** 30 ёшда, қипчоқ, ўртаҳол; 37. **Раҳимбой Ўринбоев -** 41 ёшда, қипчоқ, бойнинг ўғли, собиқ босмачи, ўртаҳол; 38. **Муҳаммадали Саидмуродов -** 20 ёшда, қипчоқ, ўзига тўқ деҳқон; 39. **Аҳмадали Саидмуродов -** 26 ёшда, қипчоқ, ўзига тўқ деҳқон; 40. **Домуллажон Абдулқосимов -** 29 ёшда, қипчоқ, ўртаҳол; 41. **Дадажон Абулқосимов -** 22 ёшда, қипчоқ, камбағал; 42. **Мулла Усмон Дадабоев -** 28 ёшда, ўзбек, имом; 43. **Мулла Алихон Азизбоев -** 25 ёшда, ўзбек, ўртаҳол, диний мактабда ўқиган; 44. **Мулла Абдулқодир Мамадкаримов -** 32 ёшда, ўзбек, мадрасада ўқиган, дурадгор; 45. **Абдуллақори Катташайхов -** 25 ёшда, ўзбек, мадраса муллаваччаси; 46. **Пайзибой Усмонов -** 29 ёшда, ўзбек, масжид сўфиси ва имоми; 47. **Исроилҳожи Саримсоқҳожиев -** 41 ёшда, тожик, имом; 48. **Мулла Тожибой Йўлдошев -** 36 ёшда, тожик, Носирхонтўранинг шогирди, руҳоний; 49. **Авлиёхон Абдуллахўжаев -** 35 ёшда, ўзбек, руҳоний, имомнинг ўғли; 50. **Абдулаҳад Нишонбоев -** 25 ёшда, ўзбек, мулла; 51. **Ҳамрахўжа Маллахўжаев -** 48 ёшда, ўзбек, бой, мулки ер-сув ислоҳотида қирқилган. 52. **Аббосхонқори Азизхўжаев -** 26 ёшда, тожик, мадрасада ўқиган, қори; 53. **Сайдулла Мақсудов -** 25 ёшда, тожик, руҳоний ўғли, Носирхонтўранинг қайниси, этикдўз; 54. **Холмирза Умрзоқов -** 47 ёшда, қипчоқ, бой, мулки ер-сув ислоҳотида қирқилган; 55. **Мулла Абдулла Мадкаримов -** 33 ёшда, ўзбек, собиқ имом, ўртаҳол; 56. **Худайназар Умрзоқов,** 37 ёшда, қипчоқ, диний маълумотли, хизматчи; 57. **Абдуғани Содиқбоев -** 24 ёшда, қирғиз, бойнинг ўғли; 58. **Саидбой Устабоев -** 40 ёшда, ўзбек, ўртаҳол; 59. **Нурмуҳаммад Усмонбоев -** 23 ёшда, ўзбек, камбағал; 60. **Исоқжон Алибоев -** 24 ёшда, ўзбек, косиб; 61. **Дадахўжа Оппоқхўжаев -** 60 ёшда, тожик, майда савдогар; 62. **Мадиброҳим Баротбоев -** 45 ёшда, тожик, мударрис, имом; 63. **Мулла Абдулҳайқори Дадабоев -** 25 ёшда, тожик, диний фаолият билан шуғулланади; 64. **Имомхон Мўминхўжаев -** 21 ёшда, тожик, камбағал; 65. **Нуриддинқори Асадуллаев -** 42 ёшда, тожик, диний мактабда ўқиган, қори; 66. **Барот Узоқбоев -** 29 ёшда, тожик, «Ривожия» ипакчилик кустар саноат бирлашмаси аъзоси; 67. **Исомиддинхўжа Нурмамедов -** 64 ёшда, ўзбек, камбағал; 68. **Мулла Асқар Назарматов -** 27 ёшда, ўзбек, масжид сўфиси; 69. **Мулла Мамажон Қорабоев -** 35 ёшда, ўзбек, диний фаолият билан шуғулланади, ўртаҳол; 70. **Бобомуҳаммад Дадажонов -** 65 ёшда, ўзбек, камбағал; 71. **Сайфиддин Қори Абдужалилов -** 65 ёшда, ўзбек, қори, имом; 72. **Шукурбой Шералиев -** 70 ёшда, ўзбек, ўртаҳол; 73. **Абдуллабой Мансурбоев -** 42 ёшда, ўзбек, камбағал; 74. **Баҳром Мақсудов -** 48 ёшда, ўзбек, ўзига тўқ деҳқон; 75. **Холмамад Устабобоев -** 24 ёшда, ўзбек, ўртаҳол; 76. **Иномжонқори Муҳаммадаминов -** 43 ёшда, ўзбек, имом; 77. **Ҳожибой Абдубоев -** 42 ёшда, қипчоқ, бой, собиқ волост бошқарувчиси, собиқ оқсоқол, босмачилик кўмакчиси; 78. **Абдуллажонқори Мадраҳимов -** 30 ёшда, ўзбек, собиқ имом, колхозда ҳисобчи; 79. **Элмиёми Юсуфбоев -** 25 ёшда, тожик, руҳоний ўғли, ўртаҳол; 80. **Акрамхонтўра Маллахўжаев -** 76 ёшда, ўзбек, бой, хўжалиги ер-сув ислоҳоти бўйича тугатилган, босмачилик кўмакчиси, таниқли мударрис; 81. **Зикриёҳожи Акрамхонов -** 25 ёшда, ўзбек, бойнинг ўғли; 82. **Абдулла Алиҳожиев -** 42 ёшда, ўзбек, ўртаҳол; **83. Хон Хўжаев -** 25 ёшда, ўзбек, машғулоти аниқ эмас; 84. **Д –** ҳужжатда маълумот келтирилмаган; 85. **Абдулфаттахов -** 36 ёшда, имом; **86. Абдухолиқ Абдуғаффоров,** 29 ёшда, ўзбек, имом; 87. **Болтабой Ўрозалиев -** 50 ёшда, қирғиз, табиб; 88. **Эсонбой Ўрозбоев -** 49 ёшда, қирғиз, собиқ имом, ўртаҳол; 89. **Узоқбой Лолақориев -** 30 ёшда, қипчоқ, руҳоний оиладан, камбағал; 90. **Акбарҳожи Абдуваҳобов -** 41 ёшда, ўзбек, косиб; 91. **Мулла Мўмин Рустамов -** 40 ёшда, қипчоқ, собиқ имом, ўртаҳол.

Бу маҳбуслар Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 58, 67, 78, 14/78 бандлари билан, РСФСР Жиноят Кодексининг 58/2, 58/1, 59/3, 17-59/3, бандлари билан айбланганлар.

Айбланувчилардан Н.Камолхонтўраев, О.Сотилганов, С.Сафиуллаев, Д.Носирхонов, Ҳ.Қаноатов, Ф.Бобомуҳаммедов, И.Саримсоқҳожиев, С.Мақсудов, А.Маткаримов ва Х.Умрзоқовлар ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий ваколатхонаси ҳузуридаги сиёсий маҳбуслар уйи қамоқхонасида, айбланувчи И.Гумбин Тошкент шаҳридаги сиёсий маҳбуслар уйи қамоқхонасида, қолган 80 нафари Наманган маҳбуслар уйида сақланган.

Улардан Н.Камолхонтўраев, О.Сотилганов, С.Сафиуллаев, И.Гумбин, Д.Носирхонов, М.Шерғозиев, Ҳ.Қаноатов, Ж.Мирисҳоқов, Т.Болтабоев, И.Са-

римсоққожиев, Ҳ.Маллаҳожиев, А.Азизхўжаев, Х.Умрзоқов, А.Маткаримов, Х.Умрзоқов, Ҳ.Абдубоев, А.Маллахўжаев, А.Муҳаммадиевлар отувга ҳукм қилинган. Маҳкумларнинг мол-мулки мусодара қилинган, фақат оилага меҳнат нормасидаги мулк қолдирилган.

А.Мамадшоев, Ф.Бобомуҳаммедов, Н.Каримовларнинг ижтимоий аҳволи эътиборга олиниб, С.Тошматов, М.Бобоқулов, Р.Ўринбоев, У.Дадабоев, Ҳ.Рустамов, Т.Йўлдошевларнинг ёшлиги инобатга олиниб, отув ҳукми 10 йил концлагерь қамоғи билан алмаштирилган.

Маҳбуслардан М.Шукурбоев, Т.Ашурматов, А.Абдураззоқов, М.Маҳмудбоев, А.Абдуллахўжаевлар 8 йил; Ҳ.Носирхонтўраев 6 йил муддат билан концлагерга ҳукм этилди. Ёшлиги инобатга олинган ҳолда жазо муддати учдан бирга қисқартирилиб, А.Катташайхов ҳам 6 йил, Қ.Юсуфбоев, Ж.Боччабоев, И.Қосимбоев, М.Саидмуродов, Д.Абдулқосимов, А.Азизбоев, А.Нишонбоев, С.Мақсудов, Д.Оппоқхўжаев, М.Баротбоев, А.Дадабоев, З.Акромхонов, А.Абдуғаффоровлар эса 5 йилдан концлагерга ҳукм қилинган.

Шунингдек, Х.Мадаминов, К.Саидбоев, Р.Абдуваҳобов, Ас.Абдуваҳобов, А.Топилдиев, М.Қаноатшоев, Т.Қодирқулов, Ҳ.Ҳакимбоев, М.Тўрабоев, О.Абдураҳимов, А.Мамадкаримов, П.Усмонов, С.Устабобоев, Н.Асадуллаев, А.Назарматов, С.Абдужалилов, Б.Мақсудов, И.Муҳаммадаминов, А.Мадраимов, А.Абдуфаттоҳов, Б.Ўразалиев, М.Рустамовлар 3 йил; И.Алибоев, И.Нурмамедов, М.Қорабоевлар 2 йил; Д.Абдувоҳидов, М.Шаҳидхонхўжаев, Э.Ўразбоевлар 1 йилдан муддатга концлагерга ҳукм этилган.

Х.Мулла Каримбоев, Д.Абдулқосимов, И.Мўминхўжаев, Б.Дадажонов, Ш.Шералиев, А.Мансурбоев, Х.Устабобоев, Э.Юсуфбоев, У.Лолақориев, Ак.Абдуваҳобовлар олдиндан қамоққа олиниб маълум жазо муддатини ўтаганлиги учун қамоқдан озод қилинган.

Ҳужжатдан маълум бўляптики, жазога тортилганларнинг аксарияти деҳқонлар эмас, балки зиёли қатламга мансуб. Улар зиёли сифатида элюртда обрў топган, миллий ва диний қадриятлар, эрк ва ҳуррият учун ўз имкониятлари даражасида фаолият кўрсатаётган юртдошлар эди. Улар қаттол тузумнинг, совет режимининг қурбонлари бўлган. Ноҳақ қатағон қилинган юртдошлар хотирасини муқаддас билиб, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни тиклаш биз тарихчилар зиммасидаги бурчдир.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1925-1945 йиллар): Тарих фанлари номз... диссертацияси..- Т., 2002.

2. Акбарова М. Ўрта Осиёдан Қозоғистонга сургун қилинган қулоқлар, уларнинг ҳаёти ва тақдири. (1929-1956 йиллар): Тарих фанлари номз... диссертацияси.- Т., 2010.

3. Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР.- М.: Собрание, 2004

4. Қурбонов Х. Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари. 1929-1938 йиллар. (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида): Тарих фанлари номз... диссертацияси.- Т., 2010.

5. Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар: Тарих фанлари номз... диссертацияси.- Андижон 2005.

6. Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1959 йй).- Т.: Шарқ, 2012.

7. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955гг. Документы и материалы. I-II-III том. Под ред. Д.А.Алимовой. Составители: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов.- Т.: Шарк, 2006.

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архиви, 2-фонд, 1930 йил учун 9-10-рўйхатлар

9. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида).- Т.: Шарқ. 2003

10. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари.- Т.: Шарқ, 2001.

11. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2005.

12. Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати.- Т.: Шарқ, 2009.

13. Шамсутдинов Р., Юсупов Э., Ҳошимов С., Дўсматов Э. Среднеазиатский кишлак в годы большого террора. Документы и материалы. - Андижан, 2007.

2014 йил 19 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц.М.Абдуллаев)